

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.5:658(575.11)

Тахтабасев Бердиёр Джураевич

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ҲУДУДЛАРИНИНГ
ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ЭКСПОРТ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Суғурта компаниялари мисолида)

Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доц. Ф.Абдуваҳидов

Тошкент- 2019


Мазкур магистрлик диссертация ишида иктисодиёт тармоклари ва худудларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш шароитида суғурта ташкилотларида экспорт операцияларини суғурталаш ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган ҳамда уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришга бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation the dissertation has studied the features of calculation of insurance operations in insurance companies in the conditions of modernization of the economy and developed scientific recommendations and practical recommendations on improvement of its international financial reporting standards.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:


« 13 » - сонли баённома « 30 » 05 2019 йил.

Илмий раҳбар: доц. Ф. Абдуваҳидов



имзо

сана

Магистр: Б. Тахтабоев


имзо

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
муdiri проф. Р. Холбеков 
“ 02 ” 07 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “ 03 ” 07 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Мундарижа

Кириш	4
1-боб. Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда экспорт операцияларини суғурталаш ҳисобининг назарий-услубий асослари	9
1.1. Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда суғурта фаолиятининг тутган ўрни ва аҳамияти	9
1.2. Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	20
1.3. Суғурта ташкилотларида экспорт операцияларни суғурталаш ҳисобининг назарий-услубий асослари	26
1-боб бўйича хулоса	34
2-боб. Суғурта ташкилотларида экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ва уларнинг ҳисобининг амалдаги ҳолати	36
2.1. Экспорт-импорт операцияларини суғурталашнинг зарурлиги ва асосий шартлари	36
2.2. Ўзбекистонда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш турлари ва уларнинг ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари	42
2.3. “Кафил” суғурта ташкилотида экспорт операцияларини суғурталашнинг амалий жиҳатлари	49
2-боб бўйича хулоса	61
3-боб. Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда экспорт-импорт операциялари ҳисобини такомиллаштиришда хориж тажрибаси ва ривожлантириш истиқболлари	63
3.1. Ривожланган давлатларда экспорт-импорт операцияларни суғурталаш ҳисоби тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари	63
3.2. Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда экспорт-импорт операцияларини суғурталаш ҳисобини такомиллаштириш истиқболлари	71
3-боб бўйича хулоса	80
Хулоса	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	85
Иловалар	91

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Истиқлолга эришилгандан сўнг мамлакатимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш мақсадида ислохотлар амалга оширилди. Барчамизга маълум, экспортни ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик даражаси маълум қадар, унинг тайёр маҳсулотлар экспорти миқёслари билан ўлчанади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориши ҳам экспорт ва импорт операциялари мажмуининг ривожланишига олиб келди. Бирок таъкидлаш жоизки, маҳаллий экспортчиларимизнинг янги бозорларга чиқиши, янги савдо муносабатларини йўлга қўйиши ҳам, муқаррар равишда, қатор молиявий қалтисликлар билан боғлиқдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилган бўлиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қўйидагилар белгилаб берилган: янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажминини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш¹.

Миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бормоқда. Экспорт корхоналар фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Ёзунги кунда деярли кўпгина тармоқ ва корхоналаримиз ташқи иқтисодий фаолиятга тўлиқ жалб этилган бўлиб, ташқи бозорларни фаоллик билан ўзлаштирмоқда.

¹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси туғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 9 февраль.